

XIV. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига республика доимий аҳолиси сони 32 653,9 минг кишини ташкил этиб, 2017 йилда 533,4 минг кишига ёки 1,7 % га ўсди.


Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 16533,9 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,6 %), қишлоқ аҳолиси сони 16120,0 минг киши (49,4 %) ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича 2018 йил 1 январь ҳолатига доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	32 653,9	16 533,9	16 120,0	101,7	101,7	101,6
Қорақалпоғистон Республикаси	1 842,4	905,6	936,8	101,4	101,2	101,5
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	3 011,6	1 576,5	1 435,1	101,7	101,6	101,7
Бухоро	1 870,0	698,6	1 171,4	101,4	101,0	101,7
Жиззах	1 324,9	622,2	702,7	101,8	101,7	102,0
Қашқадарё	3 148,1	1 358,4	1 789,7	101,9	102,4	101,5
Навоий	957,8	467,5	490,3	101,6	101,4	101,7
Наманган	2 699,0	1 743,2	955,8	101,8	101,5	102,1
Самарқанд	3 719,6	1 390,9	2 328,7	101,9	101,3	102,2
Сурхондарё	2 513,1	892,9	1 620,2	102,1	101,7	102,2
Сирдарё	815,7	349,8	465,9	101,6	101,1	101,9
Тошкент	2 861,3	1 412,3	1 449,0	101,1	102,3	100,1
Фарғона	3 620,1	2 049,6	1 570,5	101,6	101,3	101,8
Хоразм	1 804,7	600,8	1 203,9	101,6	104,9	100,0
Тошкент шаҳри	2 465,6	2 465,6	x	101,7	101,7	x

Республика худудлари кесимида 2018 йил 1 январь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3719,6 минг кишини (республика аҳоли сонига нисбатан 11,4 %), Фарғона вилоятида 3620,1 минг кишини (11,1 %), Қашқадарё вилоятида 3148,1 минг кишини (9,6 %) ва Андижон вилоятида 3011,6 минг кишини (9,2 %) ташкил этди.

Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши
(2018 йил 1 январь ҳолатига, республика жами аҳолисига нисбатан, % да)




Республикада аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари
(январь-декабрь)

Кўрсаткичлар	Минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2016 йил	2017 йил	2016 йил	2017 йил
Туғилганлар	726,2	715,5	22,8	22,1
Ўлганлар	154,8	161,5	4,9	5,0
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	7,8	8,2	10,7 ¹⁾	11,3 ¹⁾
Никох, минг	275,0	306,0	8,6	9,4
Ажрим, минг	29,3	31,9	0,9	1,0

Туғилиш. 2017 йил январь-декабрь ойларида 715,5 мингта бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, мос равишда 2016 йилга (726,2 минг бола) нисбатан 10,7 минг болага камайди, туғилиш коэффициенти 22,1 промиллени ташкил этди.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари
(2017 йил январь-декабрь, 1000 аҳолига, промилле)




¹⁾ 1000 туғилганга

Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада пасайиши Қорақалпоғистон Республикасида (21,9 промилледан 20,7 промиллега), Фарғона (22,2 промилледан 21,0 промиллега), Хоразм (22,2 промилледан 21,0 промиллега), Тошкент (20,3 промилледан 19,2 промиллега), Бухоро (20,9 промилледан 20,0 промиллега) Жиззах (24,5 промилледан 23,6 промиллега), Андижон (23,4 промилледан 22,6 промиллега), Қашқадарё (25,4 промилледан 24,6 промиллега) ва Наманган (23,7 промилледан 22,9 промиллега) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг юқори даражаси Сурхондарё (25,9 промилле), Қашқадарё (24,6 промилле) ва Самарқанд (24,4 промилле) вилоятларида кузатилди.

2017 йилда туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича 36,9 %и биринчи болага (2016 йилда - 37,6 %), 34,5 %и иккинчи болага (2016 йилда - 34,2 %), 28,6 %и учинчи ва ундан кўп болага (2016 йилда - 28,2 %) тўғри келди.

Туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича тақсимланиши




Ўлим. 2017 йил январь-декабрь ойларида ўлганлар сони 161,5 минг кишини ташкил этиб, 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан (154,8 минг киши) 6,7 минг кишига кўпайди, мос равишда ўлим коэффициенти 5,0 промиллени ташкил этди (2016 йил январь-декабрда - 4,9 промилле бўлган).

Ўлим коэффициенти сезиларли даражада ўсиши Андижон (5,1 дан 5,4 промиллега), Жиззах (4,2 дан 4,4 промиллега), Қашқадарё (4,1 дан 4,3 промиллега), Наманган (4,7 дан 4,9 промиллега), Сурхондарё (4,3 дан 4,5 промиллега), Бухоро (4,4 дан 4,5 промиллега) ва Хоразм (4,6 дан 4,7 промиллега) вилоятларида кузатилди.

Ўлим коэффициентининг паст даражаси Қашқадарё (4,3 промилле), Жиззах (4,4 промилле), Самарқанд (4,5 промилле) ва Сурхондарё (4,5 промилле) вилоятларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 59,9 %и қон айланиш тизими касалликларидан, 9,3 %и ўсимталардан, 6,5 %и бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,7 %и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 4,8 %и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 1,7 %и юқумли ва паразитар касалликларидан ҳамда 12,1 %и бошқа касалликлардан вафот этган.

Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши
(жами вафот этганларга нисбатан)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 8,2 минг нафарни ташкил этди. Гўдақлар ўлими коэффициенти 11,3 промиллени (2016 йил январь-декабрда - 10,7 промилле бўлган) ташкил этди.

Гўдақлар ўлими коэффициенти юқори даражаси Тошкент шаҳрида 17,0 (1000 тирик туғилганга), Хоразм 15,9, Андижон 15,4, Наманган 14,4, Жиззах 13,4, Сирдарё 12,8 вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 16,3 кузатилди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 56,4 %и перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 21,1 %и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 11,9 %и туғма аномалиялардан, 3,5 %и юқумли ва паразитар касалликлардан, 1,9 %и бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 0,5 %и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 4,7 %и бошқа касалликлардан вафот этган.


Бундан ташқари, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида дастлабки маълумотларга кўра 127 та оналар ўлими ҳодисаси қайд этилиб, оналар ўлими коэффиценти эса 17,7 ни (100 минг тирик туғилганга) ташкил этди.

Оналар ўлими коэффицентининг юқори даражаси Тошкент 32,9 (100 минг тирик туғилганга), Навоий 29,2, Жиззах 25,8 ва Самарқанд 22,3 вилоятларида қайд этилди.

Жами вафот этганларнинг 8,2 %и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга (2016 йилда – 8 %), 27,6 %и - меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга (2016 йилда – 28,5 %), 64,2 %и меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар (2016 йилда – 63,5 %) ҳиссасига тўғри келди.


Вафот этганларнинг асосий қисми, яъни 74,6 % ини 60 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли ташкил этган.

Ўлганларнинг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши
(жами вафот этганларга нисбатан)



Никоҳ ва ажримлар. 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 306,0 мингта никоҳ ва 31,9 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 9,4 промиллени (2016 йил январь-декабрда - 8,6 промилле бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффиценти 1,0 промиллени (2016 йил январь-декабрда - 0,9 промилле бўлган) ташкил этди.

Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралишлар коэффицентлари
(2017 йил январь-декабрь, 1000 аҳолига, промилле)



Никоҳ тузиш коэффицентининг сезиларли даражада ўсиши Сурхондарё (9,1 дан 11,3 промиллега), Наманган (8,6 дан 9,8 промиллега), Жиззах (8,8 дан 9,9 промиллега), Самарқанд (9,4 дан 10,4 промиллега), Қашқадарё (9,3 дан 10,2 промиллега), Андижон (8,9 дан 9,6 промиллега), Тошкент (7,6 дан 8,3 промиллега), Фарғона (8,7 дан 9,4 промиллега) ва Хоразм (8,5 дан 9,2 промиллега) вилоятларида кузатилди.

Никоҳ ва ажримлар сони
(январь-декабрда)

(минг. бирлик.)

	<i>Никоҳлар</i>		<i>Ажримлар</i>	
	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>
Ўзбекистон Республикаси	275,0	306,0	29,3	31,9
Қорақалпоғистон Республикаси	12,8	14,1	1,1	1,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	26,1	28,7	2,9	3,2
Бухоро	15,8	16,3	1,6	1,8
Жиззах	11,3	13,1	0,9	1,1
Қашқадарё	28,6	31,8	1,9	2,0
Навоий	8,6	8,9	1,0	1,1
Наманган	22,7	26,3	2,1	2,5
Самарқанд	34,1	38,3	3,3	4,0
Сурхондарё	22,2	28,1	1,4	1,8
Сирдарё	6,8	7,2	0,9	1,1
Тошкент	21,4	23,7	3,3	3,6
Фарғона	30,7	33,9	3,3	3,5
Хоразм	14,9	16,4	1,2	1,3
Тошкент ш.	19,0	19,2	4,4	3,6

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 157,1 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 177,7 минг кишини ташкил этди.

Шунга мувофиқ, миграция сальдоси минус 20,6 минг кишини ташкил этиб, 2016 йилнинг мос даврида минус 26,2 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Тошкент (минус 6,2), Самарқанд (минус 5,2), Қашқадарё (минус 4,0), Бухоро (минус 2,4), Сурхондарё (минус 2,3), Фарғона (минус 2,1), Андижон (минус 2,0) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (минус 4,4) қайд этилди. Миграция сальдоси ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (плюс 14,1) кузатилди.

Аҳоли миграцияси (январь-декабрда)

(минг киши)

	<i>Келиш</i>		<i>Кетиш</i>		<i>Миграция сальдоси</i>	
	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>
Ўзбекистон Республикаси	141,6	157,1	167,8	177,7	-26,2	-20,6
Қорақалпоғистон Республикаси	9,9	10,7	14,4	15,1	-4,5	-4,4
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	5,9	6,3	7,5	8,3	-1,6	-2,0
Бухоро	6,0	6,8	8,0	9,2	-2,0	-2,4
Жиззах	7,9	9,3	9,2	10,6	-1,3	-1,3
Қашқадарё	10,2	11,1	12,1	15,1	-1,9	-4,0
Навоий	12,1	13,0	13,7	14,1	-1,6	-1,1
Наманган	4,6	4,2	5,5	5,7	-0,9	-1,5
Самарқанд	10,3	10,3	14,7	15,5	-4,4	-5,2
Сурхондарё	12,9	14,5	14,4	16,8	-1,5	-2,3
Сирдарё	5,8	7,7	7,0	8,6	-1,2	-0,9
Тошкент	19,7	18,8	25,4	25,0	-5,7	-6,2
Фарғона	12,1	13,2	14,1	15,3	-2,0	-2,1
Хоразм	6,2	6,6	7,4	7,9	-1,2	-1,3
Тошкент ш.	18,0	24,6	14,4	10,5	3,6	14,1

Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра 2017 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан доимий яшаш учун кўчиб келганлар сони 2,1 минг кишини, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони эса 22,7 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 36,4 %), Россия Федерацияси (31,0 %) ва Тожикистон Республикаси (18,1 %) ҳиссаларига тўғри келди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Россия Федерацияси (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 52,2 %) ва Қозоғистон Республикаси (42,0 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.